

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НЕЪМАТУЛЛО ИБРОҲИМОВ,
МУҲАММАД ЮСУПОВ**

АРАБ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИ

II ЖИЛД

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги олий ўқув юртлари талабалари учун
дарслик сифатида тавсия этган*

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи

Тошкент – 2004

81.2(Араб)

И14

*Муаллифлар бу жилдни волидаи муҳтарамаларининг
руҳи шарифаларига бағишлайдилар.*

Масъул муҳаррир – академик АЛИБЕК РУСТАМОВ

И-Ю $\frac{4602020300-1}{M352(04)-2004}$ қатъий буюртма, 2004

ISBN 5-635-02206-5

© Н. Иброҳимов, М. Юсупов,
"ЎАЖБНТ" маркази, Ғ. Ғулом
номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйи, 2004 й.

МУҚАДДИМА

Қўлинигиздаги ушбу жилд I жилднинг «Муқаддима»сида айтилганидек, унда ёритилган назарий мавзуларни мустаҳкамлаш, уни амалда қўллай билишни ўргатишга мўлжаллангандир.

Бунинг учун мазкур жилд ўзаро яқин бўлган назарий мавзуларни ўз ичига олувчи 27 қисмга тақсим этилган ва ҳар бир қисм унда муомалага киритилган янги сўзларнинг арабча-ўзбекча лугати билан бошланади. Бу лугатлар сўз эътибори билан (ўзак эътибори билан эмас) алифбо тартибига солинган. Шундан сўнг назарий мавзуларга мос келувчи машқлар бошланади. Машқлар мазмун нуктаи назаридан турли-туман бўлиб, I жилддаги мавзуларни ўзлаштиришга хизмат қилувчи материаллардан иборат. Лекин машқларнинг асосий қисмини арабчадан ўзбекчага ва ўзбекчадан арабчага таржима қилишга қаратилган машқлар ташкил этади.

Шунингдек ҳар бир қисм сўнгида биттадан арабча матн мавжуд ва бу матнлар кундалик ҳаётнинг турли қирраларида ишлатиладиган лексик бойликларни ўз ичига олади. Матндаги номаълум сўзлар ҳам қисм бошидаги лугат таркибига киритилган.

Талабадаги лисоний малаканинг ошиб боришини эътиборга олган ҳолда, 15-қисмдан бошлаб биттадан арабча ва ўзбекча суҳбат киритилган ва бу суҳбатлар талабаларда оғзаки нутқни ўстириш, ўзаро суҳбат олиб бориш малакасини шакллантириш имконини беради. Бундай суҳбатлар 19-қисмдан бошлаб иккитадан (иккита арабча ва иккита ўзбекча) берилган.

21-қисмда феъл турлари ва бобларига бағишланган мавзулар тугайди ва бу билан боғлиқ бўлган араб тилида сўз ясалиши мумкин бўлган вазнлар ҳам деярли тақомилига етади. Бинобарин, 22-қисмдан бошлаб арабча-ўзбекча лугат айрим иборалар ва географик номлар билан чегараланган ва номаълум сўзларни ўрганиш учун китобхонга дарслик сўнгидаги арабча-ўзбекча лугатта мурожаат қилиш тавсия этилади. Бу лугат ҳар икки жилдда қўлланилган қарийб уч ярим минг сўз ва иборани ўз ичига олади ва унда сўзлар алифбо тартибига ўзак эътибори

билан терилган. Бу лугатдаги кискартмалар куйидаг ича ўкилиши керак: *куп.* – кўплик; *мз.* – музаккар; *ми.* – муаннас; *ик.с.* – иккилик сон; *жам.* – жамловчи сўз; *мас.* – масалан ва х.з. У ёки бу ўзакка мансуб сўзлар шу ўзакдан хосил бўлган феъллар билан бошланган (агар бу ўзакдан шаклланган феъл дарсликда ишлатилган бўлса). Бир ўзакка кирувчи бошқа сўзлар лугатда (–) белгиси билан бошланган ва улар ўзаро алифбо тартибида терилган.

II жилд устида ишлаш жараёнида I жилдга техник сабаблар билан қирмай қолган айрим назарий мавзуларни ёритиш зарурати туғилди ва улар ушбу жилдга 56^а, 56^б, 73^а ва 170^а параграфлар билан киритилди. Уларга доир машқлар бевосита шу мавзулардан кейин келтирилди.

Муаллифлар ушбу жилдни тузиш ва нашрга тайёрлашда ўзининг қимматли тавсиялари билан фаол иштирок этган Миср Араб Республикаси Асют университети араб тили ўқитувчиси Халид Абдулхамид Дайф жанобларига *ۆز (خالد عبد الحميد ضيف مدرس اللغة العربية في جامعة أسيوط بجمهورية مصر العربية)* миннатдорчиликларини изҳор этадилар ҳамда ушбу дарслик бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиш истагида бўлган китобхонларга олдиндан ташаккур билдирадилар. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25, Тошкент Давлат шарқшунослик институти; Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316, Наманган Давлат университети, шарқ тиллари кафедраси.

Муаллифлар

БИРИНЧИ ҚИСМ

ЯНГИ СЎЗЛАР

إِنِيطْ кўлтик	تَمُوزُ июль
ابْنُ ўғил	ثَقَافَة маданият
اِتِّجَاعَة йўналиш	ثَلَاجَة музлаткич
أُخْتُ опа, сингил	جَارْ кўшни
إِرْشَادْ кўрсатма	جَامِعَة университет
أَرْضْ ер	جَبَل тоғ
أَرْبَب куёи	جَحِيم дўзах
إِصْبَع бармок	جَدّ бобо
اَلْتِرَام зарурият	جَدَّة буви
أَمَّا... فَ... эса, ...га келсак	جَنُوب жанубдан эсадиган
اِئْتِخَاب сайлов	шамол
أَيْضًا ҳам	جَهَنَّم дўзах
بَاب эшик	حَارِس кўрикчи
بَطَاقَة карточка	حَرْب уруш
بَلَدَة шаҳар	حَرُور иссик шамол
بَيْت уй	حِزْب партия
بِنْر кудук	حَسَن яхши
تَثَبْت мустахкам бўлмок	خَال Тоға
تَعْلِيم таълим	خَالَة хола